

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки**

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШГА ОИД АСОСИЙ  
ТУШУНЧАЛАР, ҚОНУНЧИЛИК  
ВА МАРКАЗИЙ БАНК ИЧКИ  
ИДОРАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ  
НОРМАЛАР ВА ТАЛАБЛАР**

**Тошкент – 2023**

## МУНДАРИЖА

I.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Мурожаати .....	4
II.	Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар .....	7
III.	“Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунинг асосий талаблари .....	10
IV.	Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларида белгиланган асосий талаблар .....	13
V.	Марказий банк тизимидағи барча ходимлар учун муҳим аҳамиятга эга коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатлар .....	32
	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати .....	32
	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида Манфаатлар тўқнашувини аниqlаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом .....	53
	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида Тартиб .....	75

**I. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Раиси Мамаризо Бердимуратович Нурмуратовнинг  
коррупцияга қарши курашиш бўйича**

**М У Р О Ж А А Т И**

*“Коррупцияга қарши бутун жамоатчилик билан курашишимиз зарур”*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
**Ш.М. МИРЗИЁЕВ**

Тараққиётнинг янги босқичида Ўзбекистон учун коррупциянинг ҳар қандай шаклдаги кўриниши ислоҳотлар шиддатини ва самарасини сусайтириши мумкин бўлган иллат ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида “Коррупцияга қарши курашишда ахолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинmas экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимиизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз”, деб бежизга таъкидланмаган.

Шу сабабли, Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, инсон ҳуқуqlари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар доирасида барча соҳаларда коррупцияга қарши муросасиз курашиш муҳитини шакллантириш талаб этилади.

Марказий банк тизимида ҳам коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз муҳитни шакллантириш борасидаги ишлар келгусида ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар

мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш бўйича самарали тизимни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Марказий банк тизимида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ташкил этилганлиги, ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, харидларни амалга оширишда коррупциявий хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш амалиётлари жорий қилинганлиги ҳамда пул ва ички валюта бозорларидағи операцияларнинг тўлиқ бозор механизмлари асосида амалга оширилиши каби қатор амалий ишларни келтириб ўтиш мумкин.

Шунингдек, Марказий банк тавсиялари асосида банк тизимида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қўрсатилаётган банк хизматларини рақамлаштириш орқали инсон омилини камайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, оиласидан тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари шаффоғлигини таъминлаш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш максадида ягона электрон платформа орқали онлайн имтиёзли кредитлар ажратиш тартиби жорий қилинди. Тижорат банкларининг мобиль иловалари орқали омонат, кредит ва бошқа банк хизматларидан фойдаланиш кўлами йилдан йилга ошиб бормоқда.

Марказий банк тизимида коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз муҳитни шакллантириш борасидаги ишлар келгусида ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Марказий банк коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш бўйича

ишларни самарали ташкил этишда фуқароларимизнинг фаолигини ва ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Марказий банкнинг марказий аппарати, унинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги корхоналари ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳукуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, Марказий банкнинг қўйида келтирилган алоқа каналлари орқали ўз мурожаатингизни йўллашингиз мумкин.

Мурожаатингиз қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатлarda кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупцион ҳолатлар бўйича кескин қонуний чоралар кўрилади.

Ўзнавбатида, Марказий банк тизимида меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар ва ходимни коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга ҳамда ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва холис бажаришга яна бир бор чақираман.

**Раис**

**М.Б. Нурмуратов**

Ишонч телефони: (71) 200-00-44.

Телеграм бот: Cbanticor\_bot.

Расмий веб-сайт: cbu.uz/oz/anti-corruption/send/

## II. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

“Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиши тўгрисида”ги Конуни:

**Коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупцияга оид ҳукуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатлари:

**ички назорат тузилмаси** – Марказий банк тизимида коррупцияга қарши комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма ёки масъул шахс;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатлар талабларига мувофиқ фаолиятни ташкил этувчи, коррупциявий хавфхатарлар ҳамда манфаатлар тўқнашувини аниклаш ва бартараф этиш (минималлаштириш)ни ўзида мужассам этган профилактик тизим;

**коррупциявий ҳавф-хатар** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий харакатларни содир этиш эҳтимоли;

**коррупциявий ҳавф-хатарларни баҳолаш** – Марказий банк фаолиятини (вазифа ва функциялар) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий ҳавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу ҳавф-хатар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

**совфа** – ходимга (унинг оила аъзоларига) ўз мансаб мавқеига боғлиқ ҳолда бепул берилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки бефараз кўрсатилган иш, хизмат;

**иш юзасидан меҳмондўстлик белгилари** – ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, жумладан иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши, учинчи шахсларнинг транспорт ва яшаш харажатлари, эсдалик совғаларини тақдим этиш, кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар;

**расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар** – белгиланган тартиб-таомиллар ёки харакатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини тъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишида тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкий ҳукуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

**фаворитизм** – қарорлар қабул қилишда раҳбар ходимнинг битта шахс ва/ёки шахслар гурӯҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш,

таътил бериш, хорижий сафарларга юбориш, шунингдек навбатчилик жадвалларини кўриб чиқиша асоссиз имтиёзлар тақдим этиш;

**кронизм** – (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

**непотизм** – (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Марказий банк тизими манфаатлари заарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

**шафелик** – ходимни лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан бошқаларга нисбатан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, унга ҳомийлик қилиши;

**маҳаллийчилик** – маҳаллий манфатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талбларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

### III. “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮФРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ

#### **Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари (4-модда)**

Коррупцияга қарши курашишнинг **асосий принциплари** қўйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манбаатларининг устуворлиги;
- очиқлик ва шаффоғлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

#### **Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари (5-модда)**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** қўйидагилардан иборат:

аҳолининг ҳукуқий онги ва ҳукуқий маданиятини юксалтириш, жамиядга коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларида нормалар ва талаблар

садир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

#### **Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари (7-модда)**

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари** қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонунчиликка мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

#### **Давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти (26-модда)**

**Давлат органларининг ходимлари** уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари хақида **ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт**.

## **Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик (27-модда)**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.**

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар

## **IV. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ИЧКИ ИДОРАВИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА БЕЛГИЛАНГАН ТАЛАБЛАР**

### **Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари**

Ходимларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш орқали уларнинг **коррупцияга нисбатан муносабатини шакллантириш**; коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

**манфаатлар тўқнашувини олдини олиш; ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, юксак хулқ-атвор меъёрларига содиқлигига эришиш;**

Марказий банк тизимида **коррупциявий ҳуқуқбузарликни барвақт аниқлаш, олдини олиш** ҳамда келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиши Сиёсати З-банди*

### **Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати ижросини таъминлаш юзасидан ходимларнинг мажбуриятлари**

**Мазкур Сиёсат талаблари** эгаллаб турган лавозими ва бажараётган вазифасидан қатъий назар **Марказий банк тизимидағи барча ходимлар учун бирдек амал қилади.**

Ҳар бир ходим коррупцияга нисбатан муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) олдини олиши шарт.

**Марказий банк тизимида ишга кирган ҳар бир ходим мазкур Сиёсат билан танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.**

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашии Сиёсати 4-б-бандлари*

### **Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари**

**Конунйилик** – Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, шунингдек Марказий банкнинг ички ҳужжатларига қатъий риоя қиласан ҳолда амалга оширилади;

**коррупцияга нисбатан муросасизлик** – Марказий банк тизими фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлиш. **Ходимларга коррупциявий харакатлар ёки коррупциявий ҳукуқбузарлик келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш катъяян тақиқланади;**

**очиқлик ва шаффофлик** – ходимлар, контрагентлар ва кенг жамоатчиликни Марказий банк тизимида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилинади (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини хисобга олган ҳолда);

**коррупция билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги** – коррупция билан боғлиқ ҳукуқбузарликларни содир этган ходимлар ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларида нормалар ва талаблар

**фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги тамойили** – коррупцияга қарши курашишда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигини таъминланади;

**коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равища таомиллаштириш** – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини доимий равища ошириб бориш чоралари кўрилади;

**тизимлилик тамойили** – Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирларни ўзаро мувофиқлаштирган ва тизимли амалга оширилади;

**раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси тамойили** – Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар раҳбар ходимлари ўзининг коррупцион хатти-харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш позициясини намоён этади;

**давлат органлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик тамойили** – коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик ва идоралар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорлик килади;

**коррупцияни олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги тамойили** – чора-тадбирларни коррупцияга оид ҳукуқбузарликларга имкон яратувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашга, уларни олдини олишга йўналтиради;

**хабардорлик тамойили** – ходимларни коррупцияга қарши курашишга оид амалдаги қонун ҳужжатлари ва

уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;

**мутаносиблик тамоили** – коррупцияга қарши курашиш чораларини амалга ошириш доирасида мавжуд коррупцион хавф-хатарларни бошқариш учун етарли бўлган меҳнат ва молиявий ресурсларни йўналтиради.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиши Сиёсати 7-банди

### Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича талаблар

➤ Ходимлар ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва вижданан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ҳамда **манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим**.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ходим ўзининг раҳбарига ёки ички назорат тузилмасига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Ходимлар хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида **непотизм (қариндошлиқ), шафелик, фаворитизм, маҳаллийчилик ва кронизмнинг намоён бўлишига йўл қўймаслиги шарт**.

➤ **Ходимлар ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда, ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши шарт.**

➤ Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот олган раҳбар ёки ички назорат тузилмаси

**манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.**

Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиши Сиёсати 8, 9 ва 11-бандлари.

➤ **Мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришда ходимлар:**

*a) қуийдагиларга риоя этиши шарт:*

фуқаролар, давлат, Марказий банк тизими ва жамият манфаатларини кўзлаши;

профессионал фаолиятида очиқликни таъминлаши;

яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини вижданан ошкор этиши;

ўз манфаатларининг тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида ҳар қандай маълумотга эга бўлган тақдирда белгиланган тартибда хабар бериши.

*b) қуийдаги таъқиқлардан сақланиши лозим:*

непотизм, шафелик, фаворитизм, маҳаллийчилик ва кронизмга йўл қўйиш;

яқин қариндош ёки алоқадор шахсларнинг бир-бирига бўйсунувда ёки назорат остида фаолият юритиш;

бевосита назорат қилинувчи субъектлардан ҳар қандай совға ёки меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш;

аввалги иш жойи ёки фаолиятини бевосита назорат қилиш, шунингдек харидлар билан боғлиқ ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш (камида икки йиллик муддат давомида), раҳбарлик лавозимига тайинланиши бундан мустасно;

меҳнат фаолияти давомида ўзига маълум бўлган фойдаланиш доираси чекланган маълумотлардан шахсий мақсадларда фойдаланиш.

**в) қуидаги ҳолларда хабар бериши шарт:**

бевосита бўйсунувидаги ходим яқин қариндоши ёки алоқадор шахс бўлса;

ходимнинг якка ўзи ёки у қатнашган коллегиал орган томонидан қарор қабул қилишда манфаатдор томонда (жисмоний, юридик шахс) ходимга яқин қариндош ёки алоқадор шахс мавжуд бўлганда.

**➤ Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш бўйича талаблар.**

**Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар қуидагича декларация қилинади:**

дастлабки декларация – бўш иш ўринларига номзодларни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозим ўзгаририлиши (ротация) вақтида;

йиллик декларация – барча ходимлар томонидан ҳар йили бир марта (ҳар йили 15 февралгача);

навбатдан ташқари декларация – аввал ошкор этилмаган манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган ёки юзага келиш мумкин бўлган вақтда.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан хамкорликда манфаатлар тўқнашуви вазиятларининг мавжудлиги юзасидан ўрганиш ўтказилади.

Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида номзод ишга қабул қилиниши ёки ротация қилиниши назарда тутилган таркибий бўлинма раҳбари ҳамда Марказий банк раҳбарияти хабардор қилинади.

**➤ Манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш чоралари**

**Манфаатлар тўқнашувини ҳал этишда қуидаги чоралар белгиланиши мумкин** (Низом 14-банди):

ходимнинг лавозим вазифаларини ёки лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш ва/ёки унга ўзгаририш киритиш;

ходимни бошқа раҳбар бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни мухокама қилишда, қарор қабул қилишда иштирок этишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашишга рухсат бериш ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтингча) четлаштириш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган маълумотлар ва ҳужжатлардан ходимнинг фойдаланишини чеклаш;

ходимнинг Марказий банк тизими манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан ихтиёрий воз кечиши;

Одоб-аҳлоқ комиссиясига ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича таклиф киритиш.

манфаатлар тўқнашуви предметидан келиб чиқиб, уни ҳал этишнинг бошқа чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

Манба: Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш түгрисидаги Низом 6, 10 ва 14-банлари.

**Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш тартиб-қоидалари**

**➤ Ходимларга ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида** жисмоний ва юридик шахслардан совғалар, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Ходимлар хизмат сафарлари вақтида, шунингдек ҳалқаро ва бошқа расмий тадбирларда муносабати билан совғалар олиши мумкин. Бунда, совғанинг қиймати ва унинг тассаруф этиш тартиби қонунчилик ҳужжатларида белгиланади.

**➤ Ходимлар ўртасида совғаларни олиш ёки беришда қуидагиларга риоя қилинади:**

**совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар** (таваллуд куни, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва бошқалар) **муносабати билан беришга рухсат этилади;**

совғани олиш манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очик-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;

**совғанинг умумий қиймати** базавий хисоблаш миқдорининг **5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим.**

➤ Кўйидаги холларда **халқаро ёки республика миқёсидаги конференциялар, семинарлар ва турли учрашувларда буюмлар ҳамда меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш мумкин эмас:**

**контрагентлар** билан шартномалар тузиш жараёнида аввал/кейин ҳамда шартнома шартларига ўзгартиришлар киритилаётганда;

**лицензиялаш, рухсат бериш жараёнларига** қисқа вақт қолганда;

**назорат тадбирларини** амалга ошириш даврида.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашии Сиёсати 12-13-бандлари.

### Иш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш тартиб-қоидалари

➤ Ходимларнинг **халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифиға кўра** иш юзасидан ўтказиладиган **тадбирлар** (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар, форумлар ва х.к.)да **иштирок этишига** қўйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий хужжатларидағи нормалар ва талаблар

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Марказий банкнинг бошқа ички хужжатларидағи мос келса;

тадбир Марказий банк тизими ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Марказий банк тизими ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қиласлиги, бирор-бир ноқонуний афзаликларни қўлга киритишни кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаса;

тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Марказий банк ва таклиф этётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаса;

тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келса.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашии Сиёсати 16-банди.

### Харид билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш бўйича талаблар

➤ Марказий банкда **харидларни амалга оширишда молиявий маблағлардан** фойдаланишининг оқилоналиги, асосланганлиги, самарадорлиги, тежамкорлигини таъминлаган ҳолда очиқлик, шаффофлик принципларига асосланиши лозим.

➤ Манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни ва инсофисиз контрагент билан шартнома тузиш хатарини камайтириш, харид жараёни иштирокчисининг шартномада талабларини бажариш имкониятини баҳолаш мақсадларида **харид жараёнлари иштирокчиларини ўрганиш ўтказилади.**

Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашии Сиёсати 18-19-бандлари.

## Кадрларни танлаш, лавозимга тайинлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибига солиш бўйича талаблар

➤ Ходимларни танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рафбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни **барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамоиллари ва талабларига мос келиши лозим**.

➤ Ходимларни (юқори) лавозимга тайинлашда, кадрлар заҳирасига киритиша ва бошқа ҳолатларда **ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этилиши тақиқланади**.

➤ Номзодларни саралаб олишда **тегишли лавозимга қўйилган талабларга мувофиқ танлов асосида** амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг шахсий фазилатларига, малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

➤ **Номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш жараёнида уларнинг шахсий фазилатлари жумладан, ҳалоллиги, одил ва юксак хулк-атвор намунасини намоён этиши ҳамда ҳуқубузарликларга мойил эмаслиги тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда очиқ маълумотлар асосида ўрганилади.**

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашии Сиёсати 21-24-бандлари.*

## Марказий банкнинг назоратга доир вазифаларни амалга ошириш жараёнини тартибига солиш бўйича талаблар

➤ Марказий банк томонидан назорат қилиниши лозим бўлган шахслар фаолиятини инспекция

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар

қилиш, ўрганиш, текширувдан ўтказиш ҳамда масофавий назоратни амалга оширишда ходимлар: **манфаатлар тўқнашуви** юзага келишига йўл қўймаслиги;

ҳар бир аниқланган **қоидабузарликни қонуний ва профессионал баҳоланишини** таъминлаши;

назорат обьекти ходимларига **таҳдид қилмаслиги**;

назорат предмети масалаларидан **четга чиқмаслиги**;

назорат обьекти ходимлари (ёки вакили) пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар **таклиф этган** тақдирда, бу ҳақида текшириш гурухи раҳбарига ва ички назорат тузилмасига зудлик билан **хабар бериши**;

назорат обьекти вакилларига **Марказий банк тизими ходимларининг Одоб-аҳлоқ қоидаларига мувофиқ муносабатда бўлиши**;

назоратни амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларида ҳамда ички ҳужжатларда белгиланган тартиб-тамоилларга қатъйириоя этишлари лозим.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашии Сиёсати 25-банди.*

## Бошқа тақиқлар ва чекловлар

➤ Коррупцияга нисбатан муросасизлик тамоилига амал қилган ҳолда **барча ходимларга қуйидаги харакатлар қатъиян ман этилади**:

**mansab va xizmat mavqeidan noqonunий foidalaniш**, шунингдек ваколатларини сустеъмол қилиш орқали ҳар қандай шахслардан моддий ёки номоддий наф талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш;

**mansab va xizmat mavqeidan** Марказий банкнинг қонуний манфаатларига зид равища, наф олиш мақсадида фойдаланиш;

**пораҳўрлик ёки тижорий пора олишда воситачилик қилиш,** жумладан, пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

**расмиятчиликларни соддалашириш учун** қонунга ҳилоф равишда **тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;**

**коррупция аломатлари мавжуд** бўлган, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа **ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш;**

ҳар қандай тарздаги **қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларида иштирок этиши ва бундай фаолият билан шуғулланиш** (шу каби обьектларга кириш, шу жумладан, қимор билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш).

Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашии Сиёсати 34-банди.

### Коррупцияга қарши курашиш бўйича раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси

➤ Марказий банк тизимида **раҳбар ходимлар олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.**

➤ Марказий банк марказий аппарат таркибий бўлинма **раҳбарлари, худудий бош бошқарма бошлиқлари, унинг ўринбосарлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, унинг ўринбосарлари хамда таркибий бўлинмалари раҳбарлари** ўзига бўйсунувчи ходимлар, хамкасабалар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва юксак хулқ-атвор намунасини намоён этиши лозим.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашии Сиёсати 37-банди.

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларида нормалар ва талаблар

➤ **Раҳбар ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун қўйидаги чораларни кўришлари лозим:**

қўл остидаги ходимларига коррупция ҳолатларини аниқлашда шахсан ўрнак бўлиши ҳамда ходимларда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

қўл остидаги ходимига раҳнамолик (асоссиз рағбатлантириш ва лавозимни кўтариш), шунингдек, ножўя ишларига бепарволик (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид ҳаракатларига эътибор бермаслик) ҳолатларига йўл қўймаслик;

раҳбарлик қилаётган таркибий бўлинма фаолиятини тизимли таҳлил қилиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаш ва шарт-шароитларни бартараф этишининг таъсирчан чораларини кўриб бориш.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириши ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида Тартиб З-банди.

### Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш, хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари

➤ Ходим коррупция фактлари ёки коррупция аломатларига эга бўлган асосли гумонлар, шунингдек ноқонуний, одоб-аҳлоқ қоидаларига зид ҳатти-ҳаракатлар юзасидан шубҳа юзага келган тақдирда бундай ҳолатларни олдини олиш учун зарур чоралар кўриши, шу жумладан улар ҳақида ўзининг бевосита раҳбари ёки ички назорат тузилмасига

**дархол хабар бериши ёхуд хуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиши керак.**

➤ **Хабар берган ҳар қандай шахсга доир маълумотлар махфийлиги таъминланади, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.**

➤ Эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар, турли мақомдаги **суд жараёнларида иштирок этаётган ҳар бир ходим зудлик билан шу куннинг ўзида ўзининг бевосита раҳбарини ҳамда Ички назорат тузилмасини хабардор қилиши шарт.**

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиши Сиёсати 47-50-бандлари.*

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш**

➤ Ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилинганилиги ҳақида тўғридан-тўғри комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлинма орқали **Марказий банк раиси номига ҳамда ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёзма равишда** хабар берилади.

➤ Ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш бўйича барча мавжуд материаллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

➤ Ходимнинг огоҳлантиришига қарамасдан, пул ёки бошқа моддий бойликлар қонунга хилоф равишда унинг хизмат хонасида ёки бошқа жойда қолдириб кетилса, масъул шахслар (кўриқлаш ёки навбатчилик қисми ходимлари) ва бошқа шахслар иштирокида далолатнома тузилади. Ушбу далолатнома дархол раҳбариятга ҳамда ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилади.

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари:**

➤ **ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаол иштирокини рағбатлантиришнинг асосий мақсади қўйидагилардан иборат:**

Марказий банк тизимида **коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда ва унга қарши курашишда фаол иштирок этган**, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида раҳбариятга асосли таклиф ва ташабbusларни тақдим этган, шунингдек, мазкур соҳани тақомиллаштиришга ҳисса кўшган, хизмат фаолияти давомида юксак даражада намуна кўрсатган ва ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, вижданан бажарган **ходимларни рағбатлантириш**;

**ходимларнинг** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги **фаоллигини янада ошириш**.

➤ Ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида мурожаат этиб, ҳуқуқбузарликлар (жиноят)нинг олдини олиш, тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда фаол иштирок этганлиги учун комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлинма томонидан **Марказий банк раиси номига киритилган билдиришнома асосида рағбатлантирилади**.

Ходимларни рағбатлантириш Марказий банк раиси ваколати доирасида **бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома** ёки **эсадалик совға** шаклида белгиланади.

**Рағбатлантириш масаласи** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари юзасидан

**суднинг айблов ҳукми ёки маъмурий ишлар бўйича суднинг қарори қонуний кучга киргандан сўнг кўриб чиқлади.**

**Мурожаатчининг таъкиб қилинмаслиги** – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида вижданан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, зулм ўтиказиш, таъкиб қилиш сингари ўч олиш харакатларига йўл қўйилмаслиги кафолатланади.

**➤ Кўйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда ходимлар рағбатлантирилиши мумкин:**

ходимларга нисбатан қасдан содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг олди олиниши ёки тўхтатилиши;

тайёргарлик кўрилаётган коррупцияга оид ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши натижасида жиноят фош этилиши;

жиноятни тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фаол кўмаклашиши;

аҳоли ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот ва профилактик тадбирларда фаол иштирок этиши;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида раҳбариятга таклиф ва ташабbusларнинг тақдим этилиши, шунингдек, ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўгрисида хабар берган ходимларни разғбатлантириши ҳамда уларнинг таъкиб қилинмаслиги кафолатлари тўгрисида Тартиб 4-9-бандлари.*

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларида нормалар ва талаблар

### **Коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-қоидаларга риоя этмасликни кўриб чиқиш ҳамда жавобгарлик**

➤ Марказий банк тизимининг алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар, мониторинг ҳамда назорат тадбирлари натижасида маълум бўлган ҳолатлар масъул шахслар томонидан қонунчилик, ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кўриб чиқлади, зарур ҳолларда хизмат текшируви ўтилизади.

➤ Ҳар бир ходим коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик, мазкур Сиёсат ҳамда ички тартиб-қоидаларга риоя этмаганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

➤ Ҳар бир раҳбар ўзигабўйсунувчи ходимларининг хизматдаги улқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузәётган хатти-харакатларига (харакатсизлигига) йўл қўйилмаслик чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 51-53-бандлари.*

### **Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш**

➤ Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсадлари қўйидагилар хисобланади:

Марказий банк фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини аниқлаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

➤ Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилда камида бир марта ёки қўйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равиша таъсир кўрсатувчи ички хужжатлари ўзгариши;

Марказий банк тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши.

➤ Марказий банкда **коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қўйидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тулади**:

коррупциявий хавф-хатарлар **харитаси**;

коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган **коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур**.

➤ Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш коррупцияга қарши **комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма** ва/ёки масъул шахс ёки **Ишчи гурӯҳ** томонидан амалга оширилади.

➤ Марказий банк фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарлар **ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади**.

**Ички ахборот манбалари** қўйидагилардан иборат:

Марказий банк фаолиятида вазифа ва функцияларнинг ҳукуқий асоси, таркибий бўлинмалар низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва х.к.;

назорат материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлислиарининг йиғилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурӯҳ томонидан ўтказилган сўровномалар натижалари ва бошқалар.

**Ташқи ахборот манбалари** қўйидагилардан иборат: ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

коррупцияга қарши курашиш агентлиги ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан Марказий банк фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

➤ **Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қўйидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим**:

ходим томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳукуқбузарлик;

Марказий банк томонидан фаолиятидаги вазифа ва функцияларини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қиласлик, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий харакатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қиласлик тўғрисида оммавий ахборот воситаларидағи маълумотлар;

электрон маълумотлар базаларига ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;

ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруг-аймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

➤ Коррупциявий хавф хатарларнинг даражаси **Паст, Ўрта ва Юқори ўлчовларда баҳоланади**.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкida коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 1-3,5 ва 9-12-бандлари.*

## V. МАРКАЗИЙ БАНК ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ХОДИМЛАР УЧУН МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ИЧКИ ИДОРАВИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2022 йил “24”сентябрдаги  
21/8 – сонли қарорига  
1 – илова

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати

#### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, худудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотларда (бундан буён матнда – Марказий банк тизими) ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида ходимларнинг юксак хулқатвор меъёрларига содиқлигини, шунингдек Марказий банк тизими ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликка доир позициясини ифодалайди.

2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунлари талабларига мувофиқ, шунингдек ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими – Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини хисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар**

3. Қўйидагилар Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари ҳисобланади:

ходимларни ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш орқали уларнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик; манфаатлар тўқнашувини олдини олиш;

ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, юксак хулқатвор меъёрларига содиқлигига эришиш;

Марказий банк тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликни барвақт аниқлаш, олдини олиш ҳамда келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги тамоилини таъминлаш.

4. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган вазифасидан қатъий назар Марказий банк тизимидағи барча ходимлар учун бирдек амал қилади. Ҳар бир ходим коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган харакатларнинг (харакатсизликнинг) олдини олиши шарт.

5. Марказий банк тизимида ишга кирган ҳар бир ходим мазкур Сиёсат билан танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

6. Мазкур Сиёсатда қўйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

**ходим** – Марказий банк тизимида меҳнат шартномага асосан меҳнат муносабатларига киришган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**алоқадор шахслар** – ходимнинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар (қариндошлар, дўстлар, қўшнилар, синфдош, курсдош, олдинги иш жойидаги шахслар ва х.к.);

**контрагент** – Марказий банк тизими билан шартномавий муносабатларга киришган ёки шартномавий

муносабатларга киришишни режалаштираётган (мехнат муносабатлари бундан мустасно) хар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

**ички назорат тузилмаси** – Марказий банк тизимида коррупцияга қарши комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма ёки масъул шахс;

**иш юзасидан меҳмондўстлик белгилари** – ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, жумладан иш фаолияти юзасидан тушниклар ташкил этилиши, учинчи шахсларнинг транспорт ва яшаш харажатлари, эсадалик совғаларини тақдим этиш, кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар;

**манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини холис бажаришига салбий таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан Марказий банк тизимининг манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**коррупция** – ходимнинг ўз мансаб мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши;

**коррупциявий хавф-хатар** – ходим томонидан коррупциявий ҳукуқбузарликни амалга ошириш эҳтимоли;

**коррупциявий ҳукуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлик учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** – Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатлар талабларига мувофиқ фаолиятни ташкил этувчи, коррупциявий хавф-хатарлар ҳамда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва

бартараф этиш (минималлаштириш)ни ўзида мужассам этган профилактик тизим;

**фаворитизм** – қарорлар қабул қилишда раҳбар ходимнинг битта шахс ва/ёки шахслар гурухи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш, хорижий сафарларга юбориш, шунингдек навбатчилик жадвалларини кўриб чиқиша асоссиз имтиёзлар тақдим этиш;

**кронизм** – (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обўсидан фойдаланиш;

**непотизм** – (таниш-билишчилик, қариндош-урӯғчилик, фаворитизмнинг қариндошлиқ ришталарига асосланган кўриниши) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўткизиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Марказий банк тизими манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

**шафелик** – ходимни лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан бошқаларга нисбатан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, унга ҳомийлик қилиши;

**маҳаллийчилик** – маҳаллий манфатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (машхур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

**расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар** – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш максадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкий ҳукуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

**совфа** – ходимга (унинг оила аъзоларига) ўз мансаб мавқеига боғлиқ ҳолда бепул берилган, моддий қимматга эга бўлган мол-мулк ёки бефараз кўрсатилган иш, хизмат;

**хайрия** (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Марказий банк тизими учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидағи бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий бефараз ёрдами;

**ҳомийлик** (ҳомийлик ёрдами) – юридик ёки жисмоний шахслар томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлашни ихтиёрий бефараз ёрдам сифатида тақдим этиш;

**қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин** – ўйин ташкилотчиси томонидан бир ёки ундан ортиқ иштирокчилар билан тасодифга (вокеага) ёки ўйин иштирокчисининг қобилияти, эпчиллиги ва бошқа сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-харакатлари мажмууни назарда тутувчи ўйин, шу жумладан тотализаторлар, казино, шунингдек ўйин автоматларидан фойдаланилайдиган ўйин;

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, тувишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, тувишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари.

## **2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг мұхым тамойиллари**

7. Коррупцияга қарши кураш тизими қўйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

**қонунийлик** – Марказий банк тизимидағи коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ, шунингдек Марказий банкнинг ички ҳужжатларида катъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

**коррупцияга нисбатан муросасизлик** – Марказий банк тизими фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларида муросасиз муносабатда бўлиш. Ходимларга коррупциявий ҳаракатлар ёки коррупциявий ҳукуқбузарлик келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

**очиқлик ва шаффофлик** – ходимлар, контрагентлар ва кенг жамоатчиликни Марказий банк тизимида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилинади (махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

**коррупция билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлiği** – коррупция билан боғлиқ ҳукуқбузарликларни содир этган ходимлар ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан катъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банкнинг ички ҳужжатларидағи мувофиқ жавобгарликка тортилади;

**фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги тамоилии** – коррупцияга қарши курашишда фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигини таъминланади;

**коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равища тақомиллаштириш** – коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини доимий равища ошириб бориш чоралари кўрилади;

**тизимлилик тамоилии** – Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш юзасидан кўриладиган чоратадбирларни ўзаро мувофиқлаштирган ва тизимли амалга оширилади;

**раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси тамоилии** – Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги ташкилотлар раҳбар ходимлари ўзининг коррупцион хатти-харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш позициясини намоён этади;

**давлат органлари ва фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик тамоилии** – коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик ва идоралар ҳамда фуқаролик жамияти вакиллари билан ҳамкорлик қиласи;

**коррупцияни олдини олишга доир чоратадбирлар устуворлиги тамоилии** – чора-тадбирларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашга, уларни олдини олишга йўналтиради;

**хабардорлик тамоилии** – ходимларни коррупцияга қарши курашишга оид амалдаги қонун ҳужжатлари ва

уларга киритилаётган ўзгартиришлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қиласи;

**мутаносиблик тамоилии** – коррупцияга қарши курашиш чораларини амалга ошириш доирасида мавжуд коррупцион хавф-хатарларни бошқариш учун етарли бўлган меҳнат ва молиявий ресурсларни йўналтиради.

### 3-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

#### 1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

8. Ходимлар ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва вижданан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ҳамда манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, ходим ўзининг раҳбарига ёки ички назорат тузилмасига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Ходимлар хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида непотизм (қариндошлиқ), шафелик, фаворитизм, маҳаллийчилик ва кронизмнинг намоён бўлишига йўл қўймаслиги шарт.

9. Ходимлар ишга қабул қилинаётганда, лавозими кўтарилаётганда ва ротация қилинаётганда, ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши шарт.

10. Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишига доир ахборотни очиқлаш жараёни Марказий банкнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички меъёрий ҳужжатда белгилаб қўйилади.

11. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот олган раҳбар ёки ички назорат тузилмаси

манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

### **2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш**

12. Ходимларга ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан совғалар, жумладан қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рафбат воситаларини олиш тақиқланади.

Бундан ходимнинг алоҳида хизматлари учун Марказий банкнинг тегишли қарори асосида олинган совғалар, шунингдек мусабақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.

Ходимлар хизмат сафарлари вақтида, шунингдек ҳалқаро ва бошқа расмий тадбирларда муносабати билан совғалар олиши мумкин. Бунда, совғанинг қиймати ва унинг тассаруф этиш тартиби қонунчилик хужжатларида белгиланади.

13. Ходимлар ўртасида совғаларни олиш ёки беришда қўйидагиларга риоя қилинади:

совғани фақат умумэътироф этилган байрамлар (таваллуд куни, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Ҳалқаро хотин-қизлар куни, Янги йил ва бошқалар) муносабати билан беришга руҳсат этилади;

совғани олиш манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очиқ-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани бериш чоғида совға бериш учун сабаб бўлган воқеа-ходиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим.

14. Қўйидаги холларда ҳалқаро ёки республика миқёсидағи конференциялар, семинарлар ва турли учрашувларда буюмлар ҳамда меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш мумкин эмас:

контрагентлар билан шартномалар тузиш жараёнида аввал/кейин ҳамда шартнома шартларига ўзгартиришлар киритилаётганда;

лицензиялаш, руҳсат бериш жараёнларига қисқа вақт қолганда;

назорат тадбирларини амалга ошириш даврида.

15. Ҳалқаро конференциялар, форумлар ва бошқа турдаги учрашувларда Марказий банк тизими номидан иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгиларини намоён қилиш раҳбарият фармойишига мувофиқ амалга оширилади.

### **3-§. Иш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш**

16. Ходимларнинг ҳалқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш юзасидан ўтказиладиган тадбирлар (кўргазмалар, семинарлар, конференциялар, форумлар ва ҳ.к.) да иштирок этишига қўйидаги шартларга риоя қилган тақдирда руҳсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Сиёсат тамоилилари ва талаблари ҳамда Марказий банкнинг бошқа ички хужжатларига мос келса;

тадбир Марказий банк тизими ёки таклиф этган томоннинг қонуний манфаатларига хизмат қилса;

тадбир Марказий банк тизими ходимлари томонидан ў ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни қўлга киритишни (масалан, буюртмачиларга тадбирни ўтказаётган лойиҳа-

тадқиқот ташкилотига мурожаат қилишни тавсия қилиш) кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаса;

тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Марказий банк ва тақлиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаса;

тадбир умумэътироф этилган илмий ва ишбилармонлик амалиётига мос келса.

17. Марказий банк тадбирларни ушбу сиёсатда қайд этилган талабларга мувофиқ ташкил этади.

#### **4-§. Харид билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш**

18. Марказий банкда харидларни амалга оширишда молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, асосланганлиги, самарадорлиги, тежамкорлигини таъминлаган ҳолда очиклик, шаффоффлик принципларига асосланиши лозим.

19. Манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни ва инсофисиз контрагент билан шартнома тузиш хатарини камайтириш, харид жараёни иштирокчисининг шартномада талабларини бажариш имкониятини баҳолаш мақсадларида харид жараёнлари иштирокчиларини ўрганиш ўтказилади.

20. Марказий банкда харидлар қонун хужжатлари, ички меъёрий хужжатларда белгиланган тартиб-тамоилларга мувофиқ амалга оширилади.

#### **5-§. Кадрларни танлаш, лавозимга тайинлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солиш**

21. Ходимларни танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффофф

тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

22. Ходимларни (юқори) лавозимга тайинлашда, кадрлар заҳирасига киритишда ва бошқа ҳолатларда ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этилиши тақиқланади.

23. Номзодларни саралаб олишда тегишли лавозимга қўйилган талабларга мувофиқ танлов асосида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг шахсий фазилатларига, малакаси, касбий ва илмий ютуқларига асосий эътибор қаратилади.

24. Номзодларни танлаш ва лавозимга тайинлаш жараёнида уларнинг шахсий фазилатлари жумладан, ҳалоллиги, одил ва юксак хулқ-автор намунасини намоён этиши ҳамда ҳуқубузарликларга мойил эмаслиги тақдим этилган ҳужжатлар ҳамда очик маълумотлар асосида ўрганилади.

#### **6-§. Марказий банкнинг назоратга доир вазифаларни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш**

25. Марказий банк томонидан назорат қилиниши лозим бўлган шахслар фаолиятини инспекция қилиш, ўрганиш, текширувдан ўтказиш ҳамда масофавий назоратни амалга оширища ходимлар:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

ҳар бир аниqlанган қоидабузарликни қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

назорат обьекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

назорат предмети масалаларидан четга чиқмаслиги;

назорат обьекти ходимлари (ёки вакили) пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақлиф этган тақдирда, бу ҳақида текшириш гуруҳи раҳбарига ва ички назорат тузилмасига зудлик билан хабар бериши;

назорат обьекти вакиллариға Марказий банк тизими ходимларининг Одоб-аҳлоқ қоидалариға мувофиқ муносабатда бўлиши;

назоратни амалга оширишда қонунчилик хужжатларида ҳамда ички хужжатларда белгиланган тартиб-тамоилларга қатъий риоя этишлари лозим.

#### **7-§. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш**

26. Марказий банк тизимида мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормалариға зид ҳар қандай тўловларни ёки харакатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахслар жалб қилинмайди.

27. Марказий банк тизимида обьектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очик ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Марказий банки ички меъёрий хужжатлари билан тартибга солинади.

28. Контрагентлар билан ҳамкорлик қилишда:

контрагентнинг ишончлилиги, жумладан, коррупцияга оид қоидабузарликларга муносабати ҳамда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилади;

контрагент билан тузиладиган шартнома матнига коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали коррупцияга қарши тамойил ва талаблар ҳақида хабардор қилинади.

#### **8-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ҳамда самарали жараёнини таъминлаш**

29. Марказий банк қонунчилик билан белгиланган ҳолатларда учинчи шахсларнинг хайрия ва ҳомийлик ёрдамини қабул қилиши мумкин.

Хайрия ва ҳомийлик ёрдамини олишда манфаатлар тўқнашуvigа йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни очиқлаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

30. Марказий банк тизимида қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзida бўйлмаслиги ва алоҳида ходимлар томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўйлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

31. Марказий банк тизимида хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олишда хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдамини олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши ҳамда коррупцияга қарши шартлар киритилиши лозим.

#### **9-§ Идоравий норматив хужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси**

32. Идоравий норматив хужжатлар ҳамда уларнинг лойиҳаларда коррупциявий омилларни аниқлаш, уларни

бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида юридик хизмат томонидан хуқуқий экспертиза ўтказилади.

### **10-§ Махфийликка риоя этиш**

33. Ходимлар ўз хизмат мажбуриятларини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи ахборотни ёхуд қонун хужжатларига мувофиқ фойдаланилиши чекланган бошқа ахборотни ошкор этиши ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб ундан фойдаланиши тақиқланади.

### **11-§ Бошқа тақиқлар ва чекловлар**

34. Коррупцияга нисбатан муросасизлик тамойтилига амал қилган ҳолда барча ходимларга қўйидаги ҳаракатлар қатъян ман этилади:

манساب ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек ваколатларини сустеъмол қилиш орқали ҳар қандай шахслардан моддий ёки номоддий наф талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш;

манساب ва хизмат мавқеидан Марказий банкнинг қонуний манфаатларига зид равишда, наф олиш мақсадида фойдаланиш;

пораҳўрлик ёки тижорий пора олишда воситачилик қилиш, жумладан, пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун қонунга ҳилоф равишда тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

коррупция аломатлари мавжуд бўлган, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат

қилувчи бошқа ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) амалга ошириш;

ҳар қандай тарздаги қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа уйинларида иштирок этиши ва бундай фаолият билан шуғулланиш (шу каби объектларга кириш, шу жумладан, қимор билан боғлик операцияларни амалга ошириш).

35. Мазкур Сиёsat, бошқа қонун хужжатлари ҳамда ички меъёрий хужжатларига мувофиқ белгиланган бошқа чеклов ва тақиқларга қатъий риоя қилиши лозим.

### **4-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элеменлари**

#### **1-§ Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички хужжатларнинг мавжудлиги ҳамда раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси**

36. Коррупцияга қарши курашиш мавжуд қонунчилик ҳамда Марказий банк тизимининг ички меъёрий хужжатлари талаблари асосида амалга оширилади. Ички меъёрий хужжатларни мазкур Сиёsat, одоб-аҳлоқ қоидалари, ички меҳнат тартиб-қоидалари, манфаатлар тўқнашувини бошқариш каби хужжатларни ташкил этади.

37. Марказий банк тизимидағи раҳбар ходимлар олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим. Бунда, Марказий банк раиси, унинг ўринбосарлари, марказий аппарат таркибий бўлинма раҳбарлари, шунингдек ҳудудий бош бошқарма бошлиқлари, унинг ўринбосарлари, тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари, унинг ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчи ходимлар, ҳамкасабалар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва юксак хулқатвор намунасини намоён этади ва шу орқали уларда коррупциявий хуқуқбузарликга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қиласи.

38. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, ходимлар ўз даромадлари ҳамда мол-мулки тўғрисида декларация тақдим этади.

### **2-§. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда уларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар**

39. Марказий банк тизимида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

40. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижаларига кўра аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи чора-тадбирлар Марказий банк тизимининг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

### **3-§. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул**

41. Марказий банкнинг марказий аппаратида, ҳудудий бош бошқармаларида ҳамда тасарруфидаги ташкилотларда ички назорат тузилмаси ташкил этилади.

42. Ички назорат тузилмаси ўз фаолиятини низом асосида амалга оширади ҳамда бевосита ўзининг биринчи раҳбарига бўйсунади.

43. Ички назорат тузилмаси кадрлар билан ишлаш бўлинмаси билан биргаликда манфаатлар тўқнашувини бошқариш борасида қонунчиликда белгиланган тартибда ходимларнинг яқин қариндошлари, алоқадор шахсларга доир маълумотларни тизимли равишда умумлаштиради, таҳлил қиласи, актуал ҳолатда бўлишини таъминлайди.

44. Марказий банк тизимида Одоб-аҳлоқ комиссиялари фаолият юритади. Одоб-аҳлоқ комиссиялари ходимларнинг ички меъёрий ҳужжатларига ҳамда одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя этиши масалаларини кўриб чиқади.

### **4-§ Хабардорлик ва коммуникация**

45. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички тартиб-қоидалар, шу жумладан мазкур сиёsat ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар Марказий банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштириб борилади.

46. Ички назорат тузилмаси ходимларга ва бошқа манфаатдор томонларга қўйидагилар орқали коррупцияга қарши қонунчилик ва ички меъёрий ҳужжатлар талаблари ҳамда белгиланган чора-тадбирлар тўғрисида хабар беради, тушунтириш ишларини олиб боради:

корпоратив портал ёки бошқа алоқа каналлари орқали хабарлар юбориш;

ходимларни мунтазам ва тизимли равишда ўқитиш ҳамда тестдан ўтказиш;

янги ходимларни ишга қабул қилишда сухбат ўтказиш орқали тушунтиришлар бериш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида мавжуд қонунчилик, ички тартиб-қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ саволлар туғилганда, ички назорат тузилмаси томонидан ходимларга маслаҳатлар бериш;

ички назорат тузилмаси томонидан юксак хулқ-атворни фаол тарзда тарғибот қилиш;

шартномаларга коррупцияга қарши қоидаларни киритиш.

47. Марказий банк тизимида хабар бериш алоқа каналлари ташкил этилади. Хабар берган ҳар қандай шахсга доир маълумотлар маҳфийлиги таъминланади, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

48. Ходим коррупция фактлари ёки коррупция аломатларига эга бўлган асосли гумонлар, шунингдек ноқонуний, одоб-аҳлоқ қоидаларига зид ҳатти-ҳаракатлар юзасидан шубҳа юзага келган тақдирда бундай ҳолатларни олдини олиш учун зарур чоралар кўриши, шу жумладан улар ҳақида ўзининг бевосита раҳбари ёки ички назорат

тузилмасига дарҳол хабар бериши ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат этиши керак.

49. Марказий банк хабар берган шахсга нисбатан таъқиб ва таҳдид қилишга йўл қўйилмаслигини кафолатлади.

50. Эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясидан қатъий назар, турли мақомдаги суд жараёнларида иштирок этаётган ҳар бир ходим зудлик билан шу куннинг ўзида ўзининг бевосита раҳбарини ҳамда Ички назорат тузилмасини хабардор қилиши шарт.

### **5-§. Тартиб-қоидаларга риоя этмасликни кўриб чиқиш ҳамда жавобгарлик**

51. Марказий банк тизимининг алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарлар, мониторинг ҳамда назорат тадбирлари натижасида маълум бўлган холатлар масъул шахслар томонидан қонунчилик, ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ кўриб чиқилади, зарур ҳолларда хизмат текшируви ўтказилади.

52. Ҳар бир ходим коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилик, мазкур Сиёsat ҳамда ички тартиб-қоидаларга риоя этмаганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

53. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларининг хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслик чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

54. Ходимларнинг хизматдаги хулқ-атвори ва одоб-аҳлоқ қоидалари юзасидан хизмат текшируви ўтказиш даврида ҳамда синовлар ёки сухбат орқали баҳолаш натижалари бўйича қарор қабул қилишда таркибий бўлинма раҳбарининг фикри муҳим аҳамиятга эга.

### **6-§ Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик**

55. Ички назорат тузилмаси Марказий банк тизимида амалга оширилаётган коррупцияга қарши чоратадбирларнинг мониторингини ва назоратини амалга оширади.

56. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаoliyatining ўзига хос хусусиятларини ҳамда юзага келиши мумкин бўлган коррупцион хавф-хатарларни инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашишнинг асосий ўналишлари бўйича белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилиши устидан назорат олиб борилади.

57. Мониторинг қўйидаги ўналишлар бўйича амалга оширилади:

қонунчиликдаги, Марказий банкнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ҳамда бошқа шу каби ўзгаришларнинг коррупцияга қарши курашиш тизимида таъсирини таҳлил қилиш ва мувофиқластириш;

халқaro ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини қўллаб-куватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

оммавий ахборот воситаларида Марказий банк тизими, ходимлар, контрагентлар ёки ҳамкорлар иштироқидаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларга оид маълумотларнинг мавжудлиги мониторинги;

Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш дастури ёки йўл харитасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда самарадорлиги мониторинги;

ходимларнинг коррупцияга қарши қонунчилик ва ички тартиб-қоидалар тўғрисида хабардорлиги ҳамда уларга риоя этилиши мониторинги.

58. Ички назорат тузилмаси томонидан мониторинг ва назорат натижалари юзасидан раҳбариятга ҳисббот тақдим этилади.

## **5-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби**

59. Мазкур Сиёсат қўйидаги холларда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгаришлар киритилиш мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсатлар ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек, Марказий банк тизими фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

Марказий банк тизимининг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2022 йил “24”сентябрдаги  
21/8 – сонли қарорига  
2 – илова

## **Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисида**

### **НИЗОМ**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппарати, худудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги ташкилотлар (кейинги ўринларда – Марказий банк тизими)да манфаатлар тўқнашувни аниқлаш ва уларни бошқариш тартиб-таомилларини белгилайди.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига, соҳага оид етакчи халқаро амалиётларга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати”га ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқариш сиёсати”га мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом Марказий банк тизимида юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тартиб-таомилларини белгилаб берувчи ички ҳужжат ҳисобланиб, унга барча ходимлар сўзсиз риоя этишлари шарт.

3. Мазкур Низомда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш

Сиёсати”да белгиланган атамалар ҳамда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**манфаатлар тўқнашувини бошқариш** – манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган ёки юзага келган вазиятда уни олдини олиш ҳамда хал этиш чораларини кўриш;

**манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш** (декларациялаш) – ходимлар ўзига маълум бўлган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотни очиқлаш тартиб-таомили;

**шахсий манфаатдорлик** – ходимнинг ўзи, яқин қариндошлари ёки алоқадор шахслар томонидан моддий ёки номоддий қийматликлар, шу жумладан ижтимоий, сиёсий ва бошқа турдаги хизматларни наф, фойда, имтиёз сифатида олиш имконияти;

**очиқлик** – ходимлар ўзининг мансаб ёки хизмат мажбуриятлари доирасидаги барча қарорлари ҳамда ҳаракатлари юзасидан очиқликни намоён этишлари лозим. Бунда, ходимлар қабул қилган қарорлари бўйича асослантирувчи тушунтиришларни тақдим этишга мажбур.

**потенциал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ёки Марказий банк тизими билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, улар Марказий банк тизимининг манфаатларига қарама-қарши бўлиши ва ходимлар томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

**реал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ёки Марказий банк тизими билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкий, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Марказий банк тизими манфаатларига бевосита ёки билвосита қарама-қарши бўлган вазият;

## 2-боб. Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқаришда ходимлар мажбуриятлари

5. Ходимлар ўзларининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришда Марказий банк тизими манфаатларини ифодалаши ҳамда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

6. Мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришда ходимлар:

*а) қўйидагиларга риоя этиши шарт:*

фуқаролар, давлат, Марказий банк тизими ва жамият манфаатларини кўзлаши;

профессионал фаолиятида очиқликни таъминлаши;

яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини вижданан ошкор этиши;

ўз манфаатларининг тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вактида ва тўлиқ ошкор қилиши;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида ҳар қандай маълумотга эга бўлган тақдирда белгиланган тартибда хабар бериши.

*б) қўйидаги таъқиқлардан сақланиши лозим:*

непотизм, шафелик, фаворитизм, маҳаллийчилик ва кронизмга йўл қўйиш;

яқин қариндош ёки алоқадор шахсларнинг бир-бирига бўйсунувда ёки назорат остида фаолият юритиш;

бевосита назорат қилинувчи субъектлардан ҳар қандай совға ёки меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш;

аввалги иш жойи ёки фаолиятини бевосита назорат қилиш, шунингдек харидлар билан боғлиқ ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш (камидা икки йиллик муддат давомида), раҳбарлик лавозимига тайинланиши бундан мустасно;

мехнат фаолияти давомида ўзига маълум бўлган фойдаланиш доираси чекланган маълумотлардан шахсий мақсадларда фойдаланиш.

*в) қуийдаги ҳолларда хабар берииши шарт:*

бевосита бўйсунувидаги ходим яқин қариндоши ёки алоқадор шахс бўлса;

ходимнинг якка ўзи ёки у қатнашган коллегиал орган томонидан қарор қабул қилишда манфаатдор томонда (жисмоний, юридик шахс) ходимга яқин қариндош ёки алоқадор шахс мавжуд бўлганда.

### **3-боб. Манфаатлар тўқлашувларини аниқлаш ва уларни бошқариш усуллари**

7. Манфаатлар тўқнашуви қуийдаги усуллар орқали аниқлади:

муайян ва номуайян муддатли меҳнат шартномалари ва фуқаролик-хуқуқий шартномалар расмийлаштиришда ҳамда ходимларни юқори лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашуви келтириб чиқарувчи ахборот жамланади;

ошкор этилган маълумотлар, келиб тушган хабарлар, назорат ва мониторинг натижалари ҳамда очик манбаалардан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ўрганиб борилади;

манфаатлар тўқнашуви келтириб чиқариши мумкин бўлган хар бир маълумот ёки хабар ўрганилиб, унинг таъсири баҳоланади. Конун хужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашуви аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

*8. Манфаатлар тўқнашуви қуийдагича бошқарилади:*

ходимлар соҳага оид қонунчилик, ички хужжатлар талаблари билан таништириб борилади;

ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериб борилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олинади;

манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш чоралари кўрилади. Бунда манфаатлар тўқнашувининг таъсир даражасини баҳолаш ҳамда ҳал этиш чораларни белгилаш ходимнинг бевосита раҳбарининг таклифига қўра, ички назорат тузилмаси ҳамда кадрлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан амалга оширилади. Зарур ҳолларда, одоб-ахлоқ комиссияси муҳокамасига тақдим этилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш чоралари юзасидан доимий равишда мониторинг ишлари амалга оширилади;

қонун ҳужжатлари талаблари асосида бошқа усуллар ҳам қўлланилиши мумкин.

9. Марказий банк тизимида назорат функцияларни (хизмат текшируви, инспекция, ўрганишлар, мониторинг ва масофавий назорат) амалга ошириш учун ишчи гурухлар ёки масъулларни белгилашда раҳбар ходимлар манфаатлар тўқнашувини аниқлаши ва олдини олиш чораларини кўриши керак.

### **4-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиши тартиби**

10. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар қуийдагича декларация қилинади:

дастлабки декларация – бўш иш ўринларига номзодларни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозим ўзгартирилиши (ротация) вақтида;

йиллик декларация – барча ходимлар томонидан ҳар йили бир марта;

навбатдан ташқари декларация – аввал ошкор этилмаган манфаатлар тўқнашуви юзага келаётган ёки юзага келиш мумкин бўлган вақтда.

11. Бўш иш ўринларига номзодларни танлаш, ходимларни юқори лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома;

ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/ мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги декларация тўлдирилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар асосида Ички назорат тузилмаси ва Кадрлар билан ишлаш бўлинмаси томонидан хамкорликда манфаатлар тўқнашуви вазиятларининг мавжудлиги юзасидан ўрганиш ўтказилади.

Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида номзод ишга қабул қилиниши ёки ротация қилиниши назарда тутилган таркибий бўлинма раҳбари ҳамда Марказий банк раҳбарияти хабардор қилинади.

12. Йиллик декларация қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ходимлар ҳар йили 15 февралгача мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдириган ҳолда Ички назорат тузилмасига тақдим этади;

Ички назорат тузилмаси 10 марта манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш мақсадида аризаларни таҳлил қиласи;

таҳлил натижасида манфаатлар тўқнашуви аниқланса, уларни бошқариш чоралари кўрилади;

ҳар йили биринчи чорак якунида Ички назорат тузилмаси манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниқлаш ва бошқариш бўйича статистик таҳлилни Марказий банк раҳбариятига киритади.

Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар ва декларациялар Ички назорат тузилмаси томонидан 3 (уч) йил давомида сақланади.

13. Потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви юзага келган вақтда декларация қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ходим бундай ҳолат унга маълум бўлган вақтдан бошлаб бир иш куни ичиде бевосита раҳбарига ҳолатни батафсил баён этган ҳолда, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар беради;

таркибий бўлинма раҳбари манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ёзма хабарни олган вақтдан бошлаб 2 (икки) иш куни ичиде манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги хабарни кўриб чиқиши ва манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича аниқ таклиф билан Ички назорат тузилмасига тақдим этиши лозим;

Ички назорат тузилмаси ҳамда Кадрлар билан ишлаш бўлинмаси тегишли таркибий бўлинма раҳбари билан хамкорликда манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш юзасидан кўрилган чоралар ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги юзасидан маълумотлар “Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобга олиш Реестри”да (кейинги ўринларда - Реестр) қайд этилади.

## **5-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш чоралари**

14. Манфаатлар тўқнашувини ҳал этишда уни потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашувига ажратган ҳолда қўйидаги чоралар белгиланиши мумкин:

ходимнинг лавозим вазифаларини ёки лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш ва/ёки унга ўзгартириш киритиш;

ходимни бошқа раҳбар бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда, қарор қабул қилишда иштирок

этишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашишга рухсат бериш ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштириш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган маълумотлар ва хужжатлардан ходимнинг фойдаланишини чеклаш;

ходимнинг Марказий банк тизими манфаатлариға тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан ихтиёрий воз кечиши;

Одоб-аҳлоқ кимиссиясига ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича таклиф киритиш.

манфаатлар тўқнашуви предметидан келиб чиқиб, уни ҳал этишнинг бошқа чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

## **6-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар**

16. Ички назорат тузилмаси манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Реестрга ёзув киритиш йўли орқали рўйхатга олиб боради.

Реестр электрон шаклда юритилиши мумкин.

17. Реестрга қўйидаги ҳолларда ёзув киритилади:

бўш иш жойилариға номзодларни ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш, ротация қилиш вақтида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ошкор этилган бўлса ҳамда унинг бевосита раҳбари мазкур ҳолатни тасдиқласа;

йиллик декларацияда маълумотлари таҳлили асосида; навбатдан ташқари декларация тақдим этилганда;

очик манбалар, алоқа каналларидан олинган маълумотлар ўз тасдиғини топса;

хизмат текширувлари, назорат ва мониторинг натижасида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланганда.

18. Манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ҳамда бошқаришда расмийлаштириладиган ариза, хабарнома ҳамда бошқа маълумотлар Ички назорат тузилмасида

сақланади. Ички назорат тузилмаси олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши ҳамда маълумотлардан факат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараённи назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланишини таъминлаши лозим.

## **7-боб. Якуний қоидалар**

19. Эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар барча ходимлар, ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиши лозим.

20. Ходимлар ҳар қандай манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабарни ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

21. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Марказий банк тизимида манфаатлар  
тұқнашувларини аниқлаш ва  
бошқарыш тұғрисидаги низомга  
1-илова

## **НОМЗОД/ХОДИМ МАЪЛУМОТНОМАСИ**

ФИШ (тұлға)

pacm

— (охирги иш жойида иш бошлаган санаси):  
— (охирги эгаллаган лавозими түлиң)

## Түфилган йили:

## Түфилган жойи:

**Миллати:** \_\_\_\_\_

### **Партияййлиги:** \_\_\_\_\_

**Маълумоти:** \_\_\_\_\_

**Тамомлаган:** \_\_\_\_\_

**Паспорт маълумоти/ ID рақам:** \_\_\_\_\_

(Серияси ва раками) (ПИН ФЛ)

Маълумоти бўйича мутахассислиги: \_\_\_\_\_

Илмий даражаси: \_\_\_\_\_ Илмий унвони: \_\_\_\_\_

Кайси чет тилларини билади:

Давлат мүкофотлари билан тақдирланганми (қанақа):

Халқ депутатлари, республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим): \_\_\_\_\_

судланганлиги (түлкү күрсатилиши лозим):

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий түшүнчалар, қонунчилык ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларидаги нормалар ва талаблар

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

Ишлаган даври	Ташкилот номи, таркибий бўлинма номи, лавозими (тўлиқ кўрсатилиши лозим)
Ой.йил-	
Ой.йил	
Ой.йил-	
- x/b	

# **(Ф.И.Ш тұлғы) яқин қариндошлари түғрисида МАЪЛУМОТ**

Карин- дошлiği	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими (тўлик кўрсатилиш шарт)	Доимий рўйхатдан ўтган манзил (паспорт бўйича)	Яаш манзили
Отам					
Онам					

**(Ф.И.Ш тўлиқ) яқин қариндошлари ва  
алоқадор шахслар устав капиталида улушга  
эга ёки бошқаруvida иштирок этаётган юридик  
шахсларга доир**

**МАЪЛУМОТЛАР**

№	Юридик шахс номи	Эгалик субъекти Ф.И.О	Қариндошлиқ ёки алоқадорлиги	Эгалик улуши / бошқарувдаги роли

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар

Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги низомга 2-илова

**Ишга қабул қилинаётганида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ариза**

Ф.И.Ш (тўлиқ) \_\_\_\_\_

Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи \_\_\_\_\_

Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим \_\_\_\_\_  
Тўлдирилган сана \_\_\_\_\_

**Ушбу аризада қўйидаги атамалар қўлланилади:**  
**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, тугишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, тугишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари;

**алоқадор шахслар** – ходимнинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар (дўстлар, қўшинилар, қариндошлар, синфдош, курсдош, олдинги иш жойидаги шахслар ва х.к.);

**мансадбор шахс** – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурӣ-хўжалик вазифаларини

амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишига ваколат берилган шахс, ҳалқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурӣ ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

**манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиш имумкин бўлганҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

1. Агар Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Марказий банк тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (*агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг*). **Ҳа / Йўқ**

№	Ф.И.О.	Таркибий бўлинма номи	Лавозимим (тўлиқ)
1			
2			
3			

*Изоҳлар:* \_\_\_\_\_

2. Сиз Бошқарув органи (бошқарув, директорлар ва ҳ.к.) ходими, аъзоси, қандайдир ташкилот директори ёки вакилимисиз? Жавоб бераётганингизда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкий шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишингиздан қатъий назар ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидағи ўрнингизни ҳисобга олинг.

(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишили ташкилотлар номи ва улардаги ўрнингиз (лавзоимингиз)ни кўрсатиб ўтинг.

*Изоҳлар:* \_\_\_\_\_

3. Сизда / яқин қариндошларингизда қандайдир ташкилотларда қандайдир молиявий манфаатдорлиги борми (жумладан, устав капиталида иштирок этиш, акция ва облагацияларга эгалик қилиш) ёки Сиз бошқа тарзда бундай ташкилотлар қарорларига таъсир кўрсата оласизми? (агар сиз ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомалада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёки ҳар қандай ташкилотнинг Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасининг оммавий муомаласида бўлган қимматбаҳо қофозларининг 5 ва ундан кўп фоизига эгалик қиласангиз).

(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, «Изоҳлар» сатрида барча тегишили ташкилотлар номи ва Сизнинг улардаги манфаатингиз тури устав капиталидаги иштирокингиз улуши, акцияларга эгалик қилиши ва ҳ.к ларни кўрсатиб ўтинг.)

*Изоҳлар:* \_\_\_\_\_

4. Манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатиб ўтинг.

*Изоҳлар:* \_\_\_\_\_

### Ушбу аризани имзолаб, қўйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар **мавжуд / мавжуд эмас** (тегишили жавобнинг тагини чизинг).

- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишили ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.

- Марказий банк тизимида Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, янги ҳолатлар тўғрисида дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

**Имзо:** \_\_\_\_\_

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар

Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги низомга З-илова

### **Ротация/лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг**

#### **НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.Ш (тўлиқ) \_\_\_\_\_

Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи \_\_\_\_\_

Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим \_\_\_\_\_

Тўлдирилган сана \_\_\_\_\_

#### **Ушбу аризада қўйидаги атамалар қўлланилади:**

**яқин қариндошлар** – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, тугишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, шунингдек эрхотиннинг ота-онаси, тугишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари;

**алоқадор шахслар** – ходимнинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига ҳамда қарорлар қабул қилиши жараёнига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахслар (дўстлар, қўшинилар, қариндошлар, синфдош, курсдош, олдинги иш жойидаги шахслар ва х.к.);

**манрабдор шахс** – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариши органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурӣ-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишига ваколат берилган шахс, ҳалқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурӣ ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс;

**манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

1. Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Марказий банк тизимида ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг (*агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг*). **Ҳа / Йўқ**

**Изоҳлар:** \_\_\_\_\_

2. Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (юридик шахс/ЯТТ бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?

(*агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг*).

**Изоҳлар:** \_\_\_\_\_

3. Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар нодавлат нотижорат ташкилотларини

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар

бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми?

(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).

**Изоҳлар:** \_\_\_\_\_

4. Сизга Марказий банк тизими ходимлари томонидан унинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми?

(*Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батрафсил ёзинг*)

**Изоҳлар:** \_\_\_\_\_

5. Лозим деб топсангиз, ҳар қандай қўшимча маълумотни кўрсатинг.

**Изоҳлар:** \_\_\_\_\_

**Ушбу аризани имзолаб, қуийидағиларни масдиқлайман:**

Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишили жавобнинг тагини чизинг).

Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни текширилишига розилик билдираман.

- Марказий банк тизимида Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариши тўғрисидаги Низом талабларига биноан, янги ҳолатлар тўғрисида дарҳол хабар берииш мажбуриятини оламан.

(Ф.И.Ш)

(имзо)

(сана)

Марказий банк тизимида манфаатлар  
тўқнашувларини аниқлаш ва бошқариш  
тўғрисидаги низомга 4-илова

### Манфаатлар тўқнашуви холатларининг хисобга олиш РЕЕСТРИ

T/p	Маъту- мот олинган сана	Манфа- атлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимнинг Ф.И.Ш	Манфаат таркиби тузилма ва ходимнинг лавозими	Манфаатлар тўқнашу- виинг предмети	Одоб-ахлоқ комиссия йигилиши баённомаси раками ва санаси,					Манфаатлар тўқнашу- виин тартибга солиш бўйича чоралар	Белгилантан чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат килиш бўйича масъул шахс		
					1	2	3	4	5	6	7	8	9
1													
2													
3													
...													

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва  
марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар

Марказий банк тизимида манфаатлар  
тўқнашувларини аниқлаш ва  
бошқариш тўғрисидаги низомга  
5-илова

\_\_\_\_\_ га  
бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш тўлиқ  
\_\_\_\_\_ дан  
лавозими ва Ф.И.Ш тўлиқ

### Манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши эҳтимоли ҳақида Х А Б А Р Н О М А

Мен манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши  
эҳтимоли ҳақида қўйидагиларни хабар қиласман:

---



---



---



---



---



---



---



---



---



---



---



---



---

(Шахсий манфаатлар (реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви) хизмат вазифаларини бажаришига таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан Марказий банкнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган вазиятни тасвирлайди).

(Ф.И.Ш)

(имзо)

(сана)

**Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан  
тўлдирилади**

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун  
қўйидаги чоралар таклиф қилинади:

---



---



---



---



---

(манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун кўрилган  
чоралар кўрсатилади)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(сана)

Коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва  
марказий банк ички идоравий хужжатларидағи нормалар ва талаблар

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки бошқарувининг  
2023 йил “25” мартдаги  
8/3-сонли қарорига  
1027-илова

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар  
тўғрисида хабар берган ходимларни  
рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб  
қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида**

**ТАРТИБ**

Ушбу тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур тартиб Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, унинг сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда ходимларнинг коррупцияга қарши курашишда фаол иштирокини таъминлаш ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ва таъқиб қилинмаслиги кафолатларини белгилайди.

## **II. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш**

2. Марказий банк ходими (бундан бўён матнда ходим деб юритилади) қонун хужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғараз, холисона, вижданан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

3. Раҳбар ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун қўйидаги чораларни кўришлари лозим:

қўл остидаги ходимларига коррупция ҳолатларини аниқлашда шахсан ўрнак бўлиши ҳамда ходимларда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

қўл остидаги ходимига раҳнамолик (асоссиз рағбатлантириш ва лавозимни кўтариш), шунингдек, ножӯя ишларига бепарволик (фаолиятдаги камчиликлар учун чора кўрмаслик, ҳуқуққа зид ҳаракатларига эътибор бермаслик) ҳолатларига йўл қўймаслик;

раҳбарлик қилаётган таркибий бўлинма фаолиятини тизимли таҳлил қилиб, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган омилларни аниқлаш ва шарт-шароитларни бартараф этишининг таъсирчан чораларини кўриб бориш.

## **III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш ҳолатлари тўғрисида хабар бериш**

4. Ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш мақсадида

мурожаат қилинганлиги хақида тўғридан-тўғри комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлинма орқали Марказий банк раиси номига ҳамда ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёзма равишида хабар берилади.

5. Ходимларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этишга ундаш бўйича барча мавжуд материаллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

6. Ходимнинг огоҳлантиришига қарамасдан, пул ёки бошқа моддий бойликлар қонунга хилоф равишида унинг хизмат хонасида ёки бошқа жойда қолдириб кетилса, масъул шахслар (қўриқлаш ёки навбатчилик қисми ходимлари) ва бошқа шахслар иштирокида далолатнома тузилади. Ушбу далолатнома дарҳол раҳбариятга ҳамда ваколатли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилади.

## **IV. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари**

7. Ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаол иштирокини рағбатлантиришнинг асосий мақсади қўйидагилардан иборат:

Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишда ва унга қарши курашишда фаол иштирок этган, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида раҳбариятга асосли таклиф ва ташабbusларни тақдим этган, шунингдек, мазкур соҳани такомиллаштиришга ҳисса қўшган, хизмат фаолияти давомида юксак даражада намуна кўрсатган ва ўз зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, вижданан бажарган ходимларни рағбатлантириш;

ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ва унга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш.

8. Ходимлар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида мурожаат этиб, ҳуқуқбузарликлар (жиноят)нинг олдини олиш, тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда фаол иштирок этганлиги учун, комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлинма томонидан Марказий банк раиси номига киритилган билдиришнома асосида рағбатлантирилади.

Ходимларни рағбатлантириш Марказий банк раиси ваколати доирасида бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсадалик совға шаклида белгиланади.

Рағбатлантириш масаласи коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жиноят ишлари юзасидан суднинг айблов ҳукми ёки маъмурий ишлар бўйича суднинг қарори қонуний кучга киргандан сўнг кўриб чиқилади.

Мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида вижданон хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги кафолатланади.

9. Қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда ходимлар рағбатлантирилиши мумкин:

ходимларга нисбатан қасдан содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликнинг олди олиниши ёки тўхтатилиши;

тайёргарлик кўрилаётган коррупцияга оид ёки бошқа ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериши натижасида жиноят фош этилиши;

жиноятни тўхтатиш ва уни тўлиқ фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фаол кўмаклашиши;

ахоли ўртасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш

борасидаги тарғибот ва профилактик тадбирларда фаол иштирок этиши;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида раҳбариятга таклиф ва ташабbusларнинг тақдим этилиши, шунингдек, ушбу тақлифларнинг амалиётга жорий этилиши.

10. Ходимни рағбатлантириш, юқори лавозимларга ёки давлат мукофотларига тавсия қилишда унинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашдаги фаол иштироки асосий мезон сифатида инобатга олинади.

## V. Якуний қоидалар

11. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш билан боғлик низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

12. Ушбу тартибни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШГА ОИД АСОСИЙ  
ТУШУНЧАЛАР, ҚОНУНЧИЛИК  
ВА МАРКАЗИЙ БАНК ИЧКИ  
ИДОРАВИЙ ХУЖЖАТЛАРИДАГИ  
НОРМАЛАР ВА ТАЛАБЛАР**



*Ўзбек тилида*

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШГА ОИД АСОСИЙ  
ТУШУНЧАЛАР, ҚОНУНЧИЛИК  
ВА МАРКАЗИЙ БАНК ИЧКИ  
ИДОРАВИЙ ХУЖЖАТЛАРИДАГИ  
НОРМАЛАР ВА ТАЛАБЛАР**

**(Ўзбек тилида)**

**«Yuridik adabiyotlar publish» МЧЖ.**

Нашр. лиц. АА № 0042, 27.01.2020.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,

Муқимий кўчаси, 100/25.

Телефонлар: +99899 554-70-70,

+99893 554-63-70.

Расмий веб-сайт: [www.kodeks24.uz](http://www.kodeks24.uz)

Электрон манзил: [info@kodeks24.uz](mailto:info@kodeks24.uz)

Босишига рухсат этилди 24.06.2023 й.

Қоғоз бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ .

«Antiqua» гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди.

Босма табоби 5,0.

Нашриёт хисоб табоби 5,45.

Адади 600 нусха. \_\_\_\_-буортма.

**«MasterBooks» МЧЖ** босмахонасида

чоп этилди. Тошкент шаҳри, Яккасарой

тумани, Хуштепа кўчаси, 22-а.



<https://t.me/yuridikadabiyotlar>

